

АБАДИЯТ ЙЎЛИГА ЧИҚҚАН ШОИР

Баходир КАРИМОВ

*филология фанлари доктори, профессор
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети*

Шундай бебаҳо маънавий хазиналар бўладики, ижтимоий талатўплар замонида, ўткинчи сиёсий талаблар сабабли бир қанча муддат сояда қолиши, одамлар эътиборидан четда туриши, аниқроғи, атайин ёки ёзилмаган фармонлар билан назардан четга сурилиши мумкин. Қуёш қора булутлар остида ҳамишага қолиб кетмайди. Хуррият, адолат, инсонийлик шамоллари ҳақиқат қуёшини чараклатиб чиқаради. Чин истеъдод ўз сифати ва номи билан юксак мартабага эга шахс саналади. Истеъдодлар қаламидан тўкилган жавоҳир одам қўнглини яшнатади... Негадир Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар авлодининг ижодий қисматини ўйлаганда, хаёлда кезинган ёлғонлар, қабоҳатлар, фитналар секин-аста ўз ўрнини юқорида ёзилган ойдин фикр-мулоҳазаларга бўшатиб беради.

Дарвоқе, ўша манглайи шўр ва қалами зўр авлоднинг адабиёт майдонига кириб келганига салкам бир аср бўлди. Бироқ бу авлод адабий майдондан асло чиқиб кетгани йўқ. Тўғрироғи, улар ёзиб қолдирган, турли ноёб фондларда, газета-журналларнинг аллақайси бурчакларида чанг босиб ётган асарларини топиб, чангини қоқиб мухлисларга тақдим этиш ҳали бу кунга довур давом этмокда.

Шундай ўнгсўзлар изидан Абдулҳамид Чўлпон ижодига яқинроқ келамиз. Маълумки, Чўлпон адабий меросининг қамрови кенг, таркиби турли жанрдаги асарларга бой. Чўлпон шоир, носир, драматург, публицист, мунаққид, таржимон, санъатшунос каби сафатларга эга. Адабий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётга жуда фаол аралашган ижодкор. Айни дамда Чўлпондан мерос қолган асарларнинг муайян қисмини йўл эсдаликлари, сафарнома, йўл хотиралари – саёҳатномалар ташкил этади. Бироқ ҳозирга қадар адибнинг бу типдаги асарлари жамланиб, асарлари тўпламларига тўла киритилмади; деярлик махсус тадқиқ ҳам қилинмади. Ҳолбуки, Чўлпоннинг саёҳатнома услубида ёзган асарларининг аксарияти Ашурали Зоҳирий билан биргаликда тузган “Адабиёт парчалари” мажумасида жамланган эди.

Бироқ бу адабий манбалар ҳам Чўлпон ижодий меросининг тугал манзарасини намоён қила билмайди. Ҳали бугунга қадар адабиётшунослар турли ноёб адабий фондлардан Чўлпоннинг янгидан-янги асарларини, таржималарини, шеърларини топиб, баъзан вақтли матбуотда эълон қилиб келишмокда. Шулар қаторида Чўлпоннинг “Адабиёт парчалари” тўпламига киритилган бир қанча йўл эсдаликларини санаб ўтиш ҳамда уларни ҳозиргача эълон қилинмаганини

инобатга олган ҳолда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиш лозим. Вақтли матбуотда босилган айрим йўл эсдаликларидан олинган матнлар “Адабиёт парчалари” мажмуасига бошқа сарлавҳалар остида, қисман ўзгаришлар билан киритилган. Муаллиф ёки тўпловчи-муҳаррирнинг тажрибавий қалами эътиборидан улардаги таҳрирларни кузатиш ҳам фойдали, албатта.

Чўлпоннинг йўл эсдаликлари шунчаки, таассуротлар эмас, балки унда шоирнинг, поэтик тафаккурга эга санъаткорнинг назари мужассам. Шу боис йўл хотиралари завқ билан ўқилади; муаллифнинг босган излари, юрган йўллари, борган масканлари кўз олдингизда яққол намоён бўлади. Уларда шоирнинг қочиримлари, даврга ва давр одамларига, замоннинг маданий-маърифий ҳолатларига нисбатан баҳолари ҳам бор. Зотан, сафарнома жанри табиатига қиёс ва баҳолаш хос.

Чўлпон ўзи бориб кўрган ҳудудлардаги воқеа-ҳодисаларни, йўл бўйи кўрган-кечирганларини лиро-эпик тарзда ёзади. “Одам боласига бўйун эгиб, кул бўлган иродасиз, эрксиз машиналарнинг фиғони...”. Бундай жумлаларда Чўлпон ижодининг умумпафоси, асосий лейтмотиви, тутқунликка қарши исён, эрк ва ирода тушунчалари ўз ифодасини топади. Жонсиз нарсалар беихтиёр жонланади.

Муаллиф йўлда кетаётиб кўзи тушган манзаралардан қандайдир образларни тасавурида жонлантиради: “Томларга босилгон беда, макка ва ғўзапоялар. Ёнларидан ўтканда аллақандай хаёлий шакл кўрсатадирлар. Гоҳ дев бошидай, гоҳ олбости тўдасидай. Гоҳ ухлағанларни масхара қилиб кулган – хаёлий бедордай, гоҳ дарахт шохида ухлаб ётқон бир тўп қарғадай кўрунадир...”. Йўл эсдаликларидаги бундай эпизодлар Чўлпоннинг роман ва ҳикояларидаги тасвирларни эсга солади. Фавқулодда чўлпонона таъбирлар, фразеологик бириклар, янги ясама гаплар, оригинал ўхшатишлар ушбу насрнинг ўзига хослигини кўрсатади: “Олдимизда: қинғир, тор кўчалар ва сиқик, бўғулгон иқлими билан бир сиқим бўлуб шаҳар ётадур. Йироқдан, қорайиб кўрунуши – кийимга тушкан қора доғ, ё чопонга солингон думалоқ бир ямокга ўхшайдур...”.

Чўлпон йўлда теварак-атрофни кузатаркан, руҳий кайфиятини лирик тарзда, баъзида аввал ёзган шеърий мисралари воситасида ифода қилади. Масалан, “Билим ўчоғи” журналининг 1922 йил, 1-сонидан босилган йўл эсдаликларида шундай ҳолат кузатилади. Табиат кучоғига отланган шоир тоғу тошлар, қип-қизил лола денгизидан тортиб капалакларгача – барча-барчаси билан мулоқотга киришади. Хаёл кенгликларида сайр этади ва у хаёлига мурожаат қилиб: “Хаёл, гўзал хаёл, қара, мен сенинг тўғрингда илгари нима деб эдим:

*Хаёл... хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен.
Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,*

*Оловимни алар учун ёқамен.
Гўзал хаёл, кел бошимда гул ўйнат,
Меним исрик тилагимни эркалат!..*

Меним бу ўйларим хаёл тўғрисида кўб тўғри эди”. Йўлда, гўзал манзараларни кўрганда шоирона кайфиятнинг пайдо бўлиши ёки аввал ёзилган гўзал шеърларнинг хотирга келиши ҳам табиийдир.

Шоирона эҳтирос, шиддат, йўлдаги одамнинг қизиқувчанлиги – Чўлпоннинг бу туркум асарларига тароват бағишлайди. Айни чокда йўл эсдаликлари таркибида ўзаро суҳбат ёки йўлда учраган одам билан мулоқотлар – драматик сахналарга хос диологлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шу боис Чўлпоннинг йўл эсдаликларида даврнинг, одамларнинг руҳий-психологик ҳолатини, замонга хос хусусиятларни кузатиш қийин эмас.

Сафарнома синчков назарли шоирнинг абадият йўлига чиққанидан дарак беради. Аслида, Чўлпоннинг умумижодида “йўл” хронотопи метафорик моҳият ташийди. “Бутун кучни халқ ичидан олайлик,/Кучоқ очиб халқ ичига борайлик” деган шоир ўз даври одамларининг турмуш тарзи ва халқнинг қандай об-ҳаводан нафас олаётганига бефарқ бўлган эмас. Шунинг учун у гоҳи воқеа-ҳодисаларга танқидий кўз билан қарайди, баъзан янгилик ва ўзгаришлардан умидланиб, ўз мамнунлигини изҳор этади.

Чўлпон битта сафардан олган таассуротларини нисбатан фарқли равишда икки манбада эълон қилган ҳолатлари ҳам бор. Масалан, “Чимкант” (саёҳат эсдаликларидан) ва “Чимкант хатлари(сочқин фикрлар)”нинг иккаласи ҳам 1924 йил июнида ёзилган. Улар шоирнинг Чимкентга сафарининг баёни. Биринчиси “Адабиёт парчалари” мажмуасига киритилади, иккинчиси “Фарғона” газетасида босилади; ўзаро яқин, айни дамда композицион услубига кўра фарқланади. Чўлпон шеърининг меросининг хронологиясига, хусусан, Чимкентга саёҳати палласига қаралса, шоир ўз саёҳати давомидаги ҳис-туйғуларини, дарду аламлари ва армонларини бир қанча шеърларида ҳам ифода этади. “Булоқлар кучоғида”, “Ай булут”, “Қирдан айрилиш”, “Ёзнинг тугаши” каби шеърлари сарлавҳасидан кейин қавс ичида “Чимкант учун”, “Саёҳат эсдаликларидан” ҳамда шеър охирида “Чимкант” каби эскартма-изоҳлари ёзилган.

“Шу қадар гўзал ва кенг қирда бу кун ғам бор,
Худди қирнинг ўзидек катта ва туганмас бир ғам”.

Чўлпон саёҳат маҳалида гўзал қирнинг абгор-аянчли холига гувоҳ бўлади; бу айрилиқ ва ғам кўлами жуда улкан... Аммо шоирда умид бор. “Қиш ўтса, келса баҳор... яшнаса, унса бу қир, Яна келсам, яна кўрсам, яна юрсам ...яна бир!”. Кўз олдида ястаниб ётган ғамгин борлиқни бир кун келиб яшиллиги, тирилиши, жонланиши ва уйғонишини яна қайта кўриш орзуси билан шеърини тугатади шоир...

Йўл эсдаликлари, сафарномалар, саёҳат хотиралари – булар жамланиб Чўлпон ижодий мероси манзарасини тугал тасаввур қилишга ёрдам беради. Умуман, Чўлпон асарларининг тугалланган ва аслига тўла мувофиқ келадиган “Мукамал асарлари”нинг танқидий матнини нашрга тайёрлаш бугун кун тартибида турган масалалар жумласига киради. Бу жараёнда Чўлпоннинг бошқа асарларини 20-30-йилларда босилган турли мажмуалар ҳамда матбуот нашрларидан излаб топиш ва ҳозирги кунгача таъдил қилиниб босилганларини ҳам аслиятга қиёслаш, қайта назардан ўтказиш зарур, менимча.